

## XVIII АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ВА XIX АСР ЎРТАЛАРИДА ЯПОН ШАҲАР АДАБИЁТИ – “ГЭСАКУ”



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8091838>

ҚОСИМОВА Гулнора  
Ўқитувчи, PhD, ТДШУ

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “гэсаку” номи билан XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср ўрталарида Японияда мавжуд бўлган насрӣ адабиёт ва унинг ўзига хос бадиий хусусиятлари ҳақида сўз боради. Мақолада шаҳар адабиёти ҳамда унинг ривожланиши омиллари мамлакат ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётида кечган жараёнлар контекстида ёритилади. Сўнг, гэсаку адабиётининг таснифи, жанрларининг таснифи келтирилади. Шу асосида “шярэбон”, “кибёши”, “коккэйбон”, “нинжёбон”, “ёмихон” ва “гокан” каби гэсаку адабиётининг бир қатор жанрлари умумий таҳлил этилиб, уларнинг ўзига хос бадиий хусусиятлари очиб берилади. Бунда ҳар бир жанрга тегишили асарларнинг бадиий-гоявий жиҳатларига алоҳида ургу берилиб, гэсаку адабиётининг моҳияти ва унинг бутун япон адабиёти тарихидаги ўрни масаласи бўйича тегишили хуносалар чиқарилади.

**Калим сўзлар:** шаҳар адабиёти, гэсаку, Токугава даври адабиёти, шярэбон, кибёши, коккэйбон, нинжёбон, ёмихон, гокан.

### АННОТАЦИЯ

В данной статье речь идёт о прозаической литературе, существовавшей в Японии во второй половине XVIII-середине XIX веков под названием «гэсаку», и ее художественных особенностях. В статье описывается городская литература и факторы ее развития в контексте общественно-политической и культурной жизни страны. Затем дается описание литературы гэсаку и классификация ее жанров. На основе этого в целом анализируется ряд жанров литературы гэсаку, таких как шярэбон, кибёши, коккэйбон, нинжёбон, ёмихон и гокан, и выявляются их художественные особенности. Особое внимание уделяется художественно-идеологическим аспектам произведений, относящихся к каждому жанру, и делаются выводы о сущности литературы гэсаку и ее месте в истории японской литературы в целом.

**Ключевые слова:** городская литература, гэсаку, литература периода Токугава, шярэбон, кибёши, коккэйбон, нинжёбон, ёмихон, гокан.

### ABSTRACT

This article deals with the prose literature that existed in Japan in the second half of the eighteenth and middle of the nineteenth centuries under the name gesaku and its artistic features. The article describes urban literature and the factors of its development in the context of the socio-political and cultural life of the country. It then gives a description of gesaku literature and a classification of its genres. On this basis, a number of genres of gesaku literature, such as shyarebon, kibyoshi, kokkeibon, ningyeobon, yomihon, and gokan, are analyzed in general and their artistic features are identified. Particular attention is paid to the artistic and ideological aspects of the works belonging to each genre, and conclusions are drawn about the essence of gesaku literature and its place in the history of Japanese literature as a whole.

**Key words:** townsmen literature, gesaku, literature of the Tokugawa period, sharebon, kibyoshi, kokkeibon, ninjyobon, yomihon, gokan.

Япония тарихининг саҳифаларида Токугава ёки Эдо даври (1603-1868) номи остида сақланиб қолган даврда<sup>1</sup> кунчиқар мамалакат адабиёти шаҳарларда истиқомат қилувчи жамият орасида оммалашиб, аста-секин ўзининг элитарлик хусусиятини йўқотди. Токугава ҳокимияти томонидан аҳолининг барча қатламлари таълим олиши мумкин бўлган давлат ва хусусий мактабларнинг жорий этилиши, тижорат босмаҳоналар фаолиятининг йўлга қўйилиши ва қўллаб-қувватланишини бунинг асосий омилларидан саналади.

Ўтмиш даврлардан фарқли ўлароқ, оддий халқ орасида саводхонликнинг ўсиб бориши учинчи қатламдан етишиб чиққан янги ёзувчилар ва китобхонлар аудиториясини юзага келтирди. Адабиёт мазкур даврда зодагон қатлам эмас, балки саводхон собиқ самурайлар ҳамда шаҳарлик учинчи қатлам вакиллари томонидан яратилди ва ривожлантирилди. “Чёнинг бунгаку” (тарж. “шаҳарликлар адабиёти”) атамаси билан юритиладиган мазкур давр адабиёти<sup>2</sup> жанр нуқтаи назаридан ранг-баранглиги, бир қатор истеъдодли ижодкорларни етишириб берганлиги билан япон адабиёти тарихида алоҳида ўринга эга.

Токугава ёки Эдо адабиётига тегишли тадқиқотларга мурожаат қилар эканмиз, асосан XVII асрда юзага келган адабий жанрлар (шерьијатда “хайкай”<sup>3</sup>, насрда “укиёзоши”<sup>4</sup>, театр ва драматургия соҳасида “кабуки”<sup>5</sup>, “жёрури”<sup>6</sup>), XVII асрда фаолият олиб борган ижодкорлар (шоир Мацуо Башё<sup>7</sup>, ёзувчи Ихара Сайкаку<sup>8</sup>, драматург Чикамацу Монзаэмон<sup>9</sup>) ижоди кенг қамровли равишда ва изчил ўрганилганлигини кузатамиз. Тадқиқотчиларнинг эътиборидан нисбатан четда қолиб кетадиган XVIII ва XIX аср ўрталаридағи япон адабиётига келсақ, япон ва ғарб адабиётшуносларининг саноқли тадқиқот ишларинигина тилга олиш мумкин холос. Шу нуқтаи назардан, ушбу даврнинг адабиёти, хусусан, насрый адабиёти ва унинг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш мақсадга мувофиқ.

XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср ўрталарида тегишли ва асосан жонли халқ, сўзлашув тилида яратилган насрый асарларнинг барчаси “тэсаку” (тарж. “хажвий, енгил, жиддий бўлмаган адабиёт”) умумлаштирувчи атамаси билан юритилади. Ушбу атама илк бора XVIII аср охирида, ижодий фаолиятнинг турли соҳаларида мувафақиятга эришган истеъдодли Хираға Гэннай (1729-1779) томонидан, ўзининг жёрури қўғирчоқ театрига ёзилан 「心靈矢口渡」 (“Ягучи

<sup>1</sup> Саркарда Токугава Иэясу (1543-1616) 1600 йилда Сэкигахарада ҳокимият учун олиб борилган ҳал қилувчи жангда ракибларини тор-мор этди ва майда мустақил ҳокимиятларга бўлинниб кетган Японияни ўз қўл остида бирлаштириди. 1603 йилда ўзини бош ҳарбий қўмондон – “шёгун” деб эълон килган Токугава Иэясу мутлақ ҳукмронлигининг амалдаги тасдиғи сифатида бошқарув ҳокимиятини император қароргоҳи – пойтахт Киотодан Эдо(Токио)га кўчирди. Иэясу асос солган сулола икки асрдан кўпроқ, 1868 йилгача, яъни Мэйжи инқилобигача ҳукмронлик қилди. 1603-1868-йилларни ўз ичига олган мазкур давр япон тарихида сулола номи билан Токугава ёки шёгун қароргоҳи бўлган шаҳар номи остида Эдо даври деб юритилади (Токугава даври ҳақида батафсил қаранг: Кирквид К. П. Реннесанс в Японии. – М., Наука, 1988. – С. 18.).

<sup>2</sup> 秋山虔・三好行雄「日本文学史」文英堂、1983年。– P. 102.

<sup>3</sup> Хайкай (тарж.“хажвий шеърлар”) – 5-7-5 кетма-кетлигида, 17 бўғиндан ташкил топган қофиясиз хажвий учлиқ. Токугава даври шеъриятининг асосий жанри бўлган хайкай ўзида япон шаҳарликларининг эстетик диди ва кайфиятини яққол акс эттирган.

<sup>4</sup> Укиёзоши (тарж. “бекарор дунё тўғрисидаги китоблар”) – 1682-1770-йиллар мобайнида яратилган, асосан шаҳарликларнинг ранг-баранг ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи, воқеликни акс эттиришнинг реалистик методига асосланган япон насрый адабиёти. XVII аср япон насрый адабиётида юзага келган реалистик йўналиш.

<sup>5</sup> Кабуки – XVII асрда юзага келган халқичил япон миллий театри. “Кабуки” сўзи уч хитой иэрографидан ташкил топган бўлиб, “ка” – қўшиқ, “бу” – япон миллий рақси, “ки” – маҳорат деган маънони англатади.

<sup>6</sup> Жёрури – XVII аср шаҳар маданияти заминида пайдо бўлган япон миллий қўғирчоқ театри.

<sup>7</sup> Мацуо Башё (1644-1694) – хайкай шеъриятининг энг ёрқин намояндаси ва нафакат XVII аср, балки бутун япон адабиёти тарихида ўчмас из колдирган атоқли шоир.

<sup>8</sup> Ихара Сайкаку (1642-1693) – XVII асрнинг етук япон адаби, Токугава даври шаҳар насрый адабиётдаги “укиёзоши” реалистик йўналишининг асосчиси.

<sup>9</sup> Чикамацу Монзаэмон (1653-1724) – кабуки, жёрури театрлари учун бир қатор тарихий ва майний пьесалар яратган ҳамда XVII асрдан кейинги япон театр санъати ва драматургиясининг киёфасини қўп жиҳатдан белгилаб берган истеъдодли драматург.

кечувидаги мўжиза”, 1770) номли пъесасига нисбатан қўлланилган ва адабий истеъмолга олиб кирилган.

Самурайлар оиласидан бўлган Гэннай ҳаваскор драматург сифатида ижод қилас экан, кенг оммага бағишлиланган мазкур пъесасини ўзининг жиддий асарларидан ажратишни зарур деб топди. Шу сабаб, уни “тэсаку”, яъни “жиддий бўлмаган, енгил”, кулгили, ҳажвий асар дея тавсифлаган эди. Ушбу ўринда “жиддий бўлмаган, енгил” сўзлари пъесанинг мазмунига эмас, балки муаллифнинг ўз асарига бўлган муносабатига нисбатан қўллаганилган эди. Ўзи ва асари ўртасида муайян масофани белгилаган ҳолда, Гэннай “жиддий” қабул қила олмайдиган асари учун ҳеч қандай жавобгарликни олмаган ҳаваскор сифатида гавдаланади. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу ҳолат ўша даврдаги аксарият ижодкорларнинг фаолиятида кузатилган<sup>10</sup>. Шундай бўлишига қарамай, XVIII асрнинг охиридан бошлаб “тэсаку” атамаси нафақат ҳаваскор ижодкорларнинг асарларига, балки ҳақиқий профессионал ёзувчилар томонидан яратилган барча насрой асарларга нисбатан қўлланила бошлади. “Тэсаку” адабиёти доирасининг кенглиги нафақат кулгили расмлар билан безатилган кичик ҳажмли китоблардан тортиб, то конфуцийлик одоб-аҳлоқ қоидалари, тамойилларини мадҳ этувчи йирик тарих романларни ўзида қамраб олганлиги, балки чаласавод оддий ҳалқ билан бир қаторда сарой аъёнлари, зодагон қатлам вакилларидан ташкил топган қўп сонли аудоторияси билан ҳам изоҳланган.

Жанр жиҳатидан ранг-баранг “тэсаку” ўзида XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср ўрталарида япон насрининг “шярэбон”, “кибёши”, “коккэйбон”, “нинжёбон”, “ёмихон”, “гокан” каби жанрларини мужассамлаштиради. Илк тэсаку адабиётининг асосий жанрлари ҳақида гап боргандা дастлаб, “шярэбон” ва “кибёши” кабиларга тўхталиш жоиз.

“Шярэбон” (тарж. “кулгили китоблар”) 1745-1830-йиллар давомида яратилган ва шаҳарликларнинг севимли мавзуларидан бири бўлган ““кувноқ қўчалар”даги ҳаёт” ҳақида ҳикоя қилувчи асарларнинг умумий номи ҳисобланади. Илк шярэбон намуналари Камигата<sup>11</sup> худудида юзага келган бўлиб, 「金瓶梅」(“Олтин гулдондаги олхўри гуллари”, XVI)<sup>12</sup> каби хитойча асарларнинг қолипи асосида яратилган.

Ушбу давр адабиётида мухим ўрин эггалаган ҳазил-мутойиба, кулгу айниқса мазкур жанрдан бошлаб тўлиқ намоён бўла бошлаган эди. Шярэбон намуналарида фаолияти ҳокимият томонидан расмий руҳсат этилган “кувноқ қўчалар” ва уларнинг доимий мижозлари (аксарият ҳолларда бойиб кетган шаҳарлик эркак) тасвирланиб, ушбу жойларнинг ўзига хос қонун-қоидалари ва “одоб-аҳлоқ меъёрлари”ни бузганлар кулгу остига олинади. Айниқса, ўзларини “южё<sup>13</sup> ларнинг қўнглини олиш бўйича чукур тажрибага эга билағон” қилиб кўрсатаётган қаҳрамонларнинг шахсияти, ташки кўриниши ва хатти-ҳаракатлари кулгили оҳангларда тасвирланади. Шярэбон муаллифлари китобхонларини қаҳрамонлар мавжуд бўлган мұхитга олиб кириш мақсадида асарларида диалог каби тавсифлаш воситаларидан унумли фойдаланганликлари кузатилади. Мазкур жанрда адаб Санто Кёдэн (1761-1816) сермаҳсул ижод қилган бўлиб, унинг қаламигга мансуб 「通言總籬」(“Роҳат ва лаззатларнинг буюк уйи”<sup>14</sup>, 1787), 「傾城買四十八手」(“Южёларни сотиб олишнинг кирк саккиз усули”, 1790), 「娼妓絹籬」(“Южёнинг шойи енги, 1791) каби асарларни шярэбон намуналарининг энг мукаммали сифатида тилга олиш мумкин.

<sup>10</sup> Кин Д. Японская литература XVII-XIX столетий. Наука. Москва. 1978. – С. 275

<sup>11</sup> Камигата (тарж. юқори тараф) – кўхна Киото ва Осака шаҳарларини ўз ичига олган худуд.

<sup>12</sup> Хитойнинг XVII асрда, сўзлашув тилида яратилган майший-эротик ҳарактердаги романи.

<sup>13</sup> Южё – япон тарихида мавжуд бўлган кувноқ қўчаларда истиқомат қилувчи барча енгилтак аёллар, куртизанкаларнинг умумийлаштирувчи номи.

<sup>14</sup> 「通言總籬」(“Роҳат ва лаззатларнинг буюк уйи” ) – асарнинг мазкур сарлавҳаси Эдо(Токио)нинг “кувноқ қўчалар”и тўпланган худуиди – Ёшиварада жойлашган учрашув уйининг номидан олинган.

XVIII асрнинг 60-йилларидан шаҳарликлар орасида шярэбон билан бир қаторда мазмуни ва шаклидан эмас, айнан муқовасининг рангидан келиб чиқсан ҳолда “кибёши” (тарж. “сариқ муқовали китоблар”), “аохон” (тарж. “ҳаво ранг муқовали китоблар”) каби номли жанрларга ажратилган асарлар<sup>15</sup> шухрат қозонди<sup>16</sup>. Кибёши намуналари аксарият ҳолларда шярэбон муаллифлари томонидан яратилган бўлсада, уларнинг ҳар иккиси бир-биридан фарқлашувчи жанр сифатида қарор топди. Мазкур жанр ўзида рангли расм, яъни иллюстрациялар билан тўлдирилган, хажвий характердаги расмли китобларни мужассамлаштирган. Китоб саҳифаларини безовчи рассом ролини кўп ҳолларда муаллифнинг ўзи бажарган бўлиб, ушбу расмлар асарнинг шухратга эришишида бадиий матн билан бир даражада аҳамият касб этган<sup>17</sup>. Аксарият кибёшилар шярэбон каби “қувноқ қўчалар” ҳаёти, урф-одатлари каби мавзуларга бағишлиланган бўлсада, уларнинг орасида хитой ва япон мумтоз асарларига пародия сифатида яратилган, қадимги афсонавий ва тарихий қаҳрамонларни кулги остига олувчи намуналари ҳам кўпчиликни ташкил этган. Уларда муаллиф дабдаба ва очқўзлик мисолларини ҳавж билан акс эттирибина қолмай, шу каби салбий иллатларни эгаси бўлган айрим сиёsat арбобларини ҳам ўткир кулги билан танқид килади. Кибёши асарларининг саҳифаларини вароқлагандা, одатда ҳар бир саҳифа бўш жой қолмайдиган даражада расм, баён матни ва персонажларнинг диалоглари билан тўлдирилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Кибёшининг ушбу таркибий унсурлари мазмун жиҳатидан бир-биридан ажратиб бўлмайдиган бир бутунликни ҳосил қилганлиги боис, китобхон мутолаа жараёнида матнни расмлар билан биргаликда қабул қилгандагина, асарга ҳаққоний баҳо бера олиши мумкин. Коикава Харумачи (1744-1789) 「金々先生栄花夢」(“Жаноб Кинкиннинг фаровонлик тўғрисидаги туши”, 1775), Санто Кёдэн (1761-1816) 「御存商壳物」(“Сиз билган олди-сотди маҳсулотлари”, 1782), 「江戸生艶氣権焼」(“Эдолик енгилтакнинг саргузаштлари”, 1785), Оота Нанпо (1749-1823) 「手練偽なし」(“Зарарсиз ёлғоннинг йўқлиги”, 1786), Хосэидо Кисанжи (1735-1813) 「文武二道万石通」(“Фуқаролик ва ҳарбийлик йўлининг янчиш ускунаси”, 1788) каби асарлари билан кибёши япон шаҳар адабиёти саҳифаларидан ўзига хос ўрин эгаллади.

XIX асрнинг биринчи ярмида гэсаку насрининг яна бир жанри – хажвий-саргузашт ва майший ҳаётнинг ранг-баранг тасвирлари билан тўлдирилган хажвий романлар – “коккэйон” (тарж. “хажвий китоб”) китобхонлар орасида кенг тарқалди. Мазкур жанрнинг моҳиятнан ҳалқичил бўлган намуналари ўрта аср кичик хажвий пьесалари – “кёгэн” фарслари, XVII-XVIII асрнинг пародияяга (асосан мумтоз хитой ва япон адабиётига нисбатан) асосланган насрый жанрлар, Ихара Сайкаку ҳикоянавислиги анъаналарини давом эттиради. Ҳазил-мутойиба ўткир сўз ўйни, латифа ва ижтимоий меъёрлар доирасидан четга чиқсан

<sup>15</sup> Кибёшининг бундай номланиши ушбу жанрга тегишли китобларнинг муқовасидаги сариқ рангдаги вертикал ёрлиқ билан боғлиқ бўлиб, асарнинг сарлавҳаси ана шу ёрликни устига ёзилган. XVII асрнинг 70-йилларида кизил ёрликли китоблар нашр эттирила бошлаган бўлиб, ўзида содда расмларни бундай китоблан асосан болалар аудиториясига мўлжалланган. 1750-йилларга келиб, кора ва ҳаво ранг ёрликли китоблар юзага келди. Уларнинг мазмунини асосан пьесалар сюжетининг баёни, жангчиларларнинг қаҳрамонлик қайдлари, рух ва бошка гаройиботлар тўғрисидаги қиссалари ташкил этган. Дастрлаб, икки турдаги ушбу нашрлар бир-биридан деярли фарқланмаган. Бироқ, кора ёрликли китобларнинг оҳанги аста-секинлик билан жиддийлашиб борди. Ҳаво рангли китоблар бўлса, кўнгилочишига мўлжалланган нисбатан енгил асарлар сифатида қарор топди. “Сариқ муқовали китоблар”нинг пайдо бўлиши вақт ўтиши билан ҳаво рангли бўёқнинг очариб сариқ рангта ўтиши сабаби билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Сабабларнинг қандай бўлишидан қатъий назар, кейинчалик “ҳаво рангли китоблар” “сариқ муқовали китоблар” билан бутунлай бирлашиб кетган (Бу ҳакида қаранг: Кин Д. Японская литература XVII-XIX столетий. Наука. Москва. 1978. – С. 278).

<sup>16</sup> Рехо К. Проза: [Японская литература: История всемирной литературы. Т. 5. Раздел десятый. Глава первая] // История всемирной литературы: В 8 томах / АН СССР; Ин-т мировой лит. им. А. М. Горького. — М.: Наука, 1983—1994. — На титл. л. изд.: История всемирной литературы: в 9 т. Т. 5. — 1988. — С. 575.

<sup>17</sup> Кин Д. Японская литература XVII-XIX столетий. Наука. Москва. 1978. – С. 278.

учинчи қатлам вакиллари тўғрисидаги қиссаларга асосланувчи коккэйбонлар асосан серияли нашрга мўлжалланган бўлиб, асарнинг давом эттирилиш ёки эттирилмаслиги унинг китобхонларга қай даражада маъқул келганлиги билан белгиланган.

Ўша даврнинг жонли халқ тилида яратилган бир қатор дурдона коккэйбон асарлари Жиппэншия Икку (1765-1831) ва Шикитэи Санба (1776-1822) кабилар ижо-дининг маҳсулидир. Хусусан, Токайдо бўйлаб ғарбга йўл олиб, турли хил кулгили вазиятларни бошидан кечирган ҳолда Исэ ибодатхонасида зиёрат, Киото ва Осака шаҳарларида эса саёҳат қилган Яжиробэи ва Китахачи исмли икки эдолик хақидаги Иккунинг 12 жилдли 「東海道中膝栗毛」 (“Токайдо катта йўли бўйлаб пиёда саёҳат”, 1802-1809) саргузашт романи, Санбанинг Эдо шаҳридаги ўрта аср жамоат ҳаммомларига келган оддий одамлар тўғрисидаги қиссаларни ҳикоя қилувчи 9 жилдли 「譁話浮世風呂」 (“Замонавий ҳаммомлардаги кулгили қиссалар”, 1809-1813) номли майший хажвий романи коккэйбоннинг жанр хусусиятларини ўзида тўлиқ намоён этади.

1790-йилларда шярэбон одоб-аҳлоқ меъёрларига зид мазвууларни ёритганлиги туфайли ҳукумат буориғи билан нашр эттирилиши таъкидланилганидан сўнг, XIX асрнинг биринчи ярмида “коккэйбон” билан бир вақтда ўзида “нинжёбон” (тарж. “хис-туйғулар тўғрисидаги китоблар”) жанри тарқалди. Ўзида ишқий қисса ва роман жанрларини мужассамлаштирган “нинжёбон” омадсиз енгилтак эркакнинг “қувноқ қўча-лар”даги саргузаштлари тўғрисидаги ҳикоя қилувчи шярэбонлар асосида юзага келган эди. Шундай бўлсада, “нинжёбон” бир қатор жиҳатлари билан шярэбондан тубдан фарқланади. Хусусан, “хис-туйғулар тўғрисидаги қиссалар”нинг шярэбон китобларидан ажратиб турувчи асосий жиҳат асар мавзусида севги-муҳабbat туйғуси масаласининг биринчи планга олиб чиқилганлиги ҳисобланади.

Нинжёбонда ҳам “қувноқ қўчалар”нинг урф-одатлари қизиқарли ва ифодали тасвиirlансада, уларда кулгили эмас, аксинча ҳаяжонли, жиддий оҳанг устунлик қилади. Янада аниқроқ айтганда, урғу ишқий саргузаштларнинг баёнига эмас, асосан қаҳрамонларнинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларининг тасвирига берилади.

Агар шярэбон қаҳрамони учун севиб қолиш беадабликнинг энг юқори кўриниши бўлса, нинжёбонда қаҳрамон южёни нафақат севишга, балки унга уйланишга ҳам қодир. Шярэбонда гавдаланадиган южёларнинг образи бир қолипда яратилиб, бу турдаги аёл-лар маҳмадона эркакларни писанд қилмайди, ҳатто қўнгилларига усталик билан йўл топа олган эркакларга нисбатан ҳам соф муҳабbat ҳиссини деярли туймайди. Нинжёбон муаллифлари аксинча, аёл қаҳрамонларига муайян бир аниқ, уларнинг феъл-авторигагина хос бўлган жиҳатларни баҳш этади. Ушбу аёл қаҳрамонларнинг ҳар бири ўз севгилисини чин қалдан севади, унга нафақат содик, балки уни ўзга аёллардан ҳам рашқ қилади. Эркак қаҳрамонларга келсак, аёллар улар учун барини қурбон қилишга тайёр. Бироқ, одатда қўлидан ҳеч нарса келмайдиган, тирикчилик учун пул ишлаб топишга қо-дир бўлмаган ва муҳлисаларидан пул қабул қилишга уялмайдилан бундай эркакларни қаҳрамон деб айтиш қийин. Шундай бўлсада, севги-муҳабbat борасида улар анча тажрибали. Қолган масалаларда ниҳоятда хотиннамодирлар. Мисол учун, жиноятчилар тажовуз қилганда, бундай эркак қаҳрамонлар уларга қарши курашишга қурби етмайди. Мазкур ҳолат аёл қаҳрамонларни ҳафсаласини заррача ҳам пир қилмайди, аксинча, эркакдаги кучсизлик аёл қаҳрамонларда муҳабbat туйғусининг янада кучайишига сабаб бўлади<sup>18</sup>.

Нинжёбоннинг мазмун ва услубидаги бу каби ўзига хос жиҳатлар, ушбу асарларнинг янги китобхонлар аудиториясига қаратилганлиги билан изохланади. Агар шярэбон “қувноқ қўчалар”нинг ҳаёти ва урф-одатидан ҳабардор бўлган эркак китобхонларга мўлжалланган бўлса, “хис-туйғулар тўғрисидаги қиссалар” Кабуки театри билан қизиккан ва ишқий мавзудаги пьесалардаги романтик кайфиятни китоблардан топишга интилган самурайлар ёки

<sup>18</sup> Ўша манба. – Б. 293.

ўзига тўқ савдогарлар оиласига тегишли аёлларга атаб ёзилар эди. Ушбу янги китобхонлар ўз севгисига содик, дўстларига нисбатан мурувватли, ҳар қандай вазиятда яқинлари учун ўз баҳтини қурбон қилишга тайёр аёллар ҳақидаги қиссаларни айниқса ҳуш кўрар ва айнан шундай аёл қаҳрамонлар тимсолида ўзларини кўрар эдилар<sup>19</sup>.

Шярэбондан фарқли ўлароқ, нинжёбон муаллифлари ўз қаҳрамонларининг қамчиликларига ургу бермайди, аксинча иложи борича уларга, хусусан, аёлларга ачиниш хисси билан ёндашади. Мазкур жанрдаги асарларда дунёвий ҳаёт ва хурсандчиликларнинг фонийлиги билан боғлиқ буддавийлик ғояси эмас, севги ва муҳаббатга содиклик қаҳрамонларга барча қийинчиликларни енгигб ўтишга, баҳтга етишга имкон бериши тўғрисидаги қисса сюжетни шакллантирувчи асос сифатида ҳизмат қилади.

Нинжёбон жанрида ижод қилган Хана Санжи (1790-1858)「蘭蝶記」(“Бинафша ранг капалак тўғрисида қайдлар”, 1824), 「廓雜談」(“Қувноқ қўчалар тўғрисида турли қиссалар”, 1826), Тамэнага Шунсуи (1790-1843)「春色梅児薈美」(“Севги-муҳаббатнинг олҳўри тақвими”, 1832-1833), 「春色辰巳園」(“Баҳор гуллари ёки жанубий Шарқдаги боғ”, 1833-1835) асарлари билан ўша давр шаҳарлик япон китобхонлари орасида шуҳрат қозониб, гэсаку адабиётида ўз номларини қолдирган.

Навбатдаги “ёмихон” (тарж.“мутолаага мўлжалланган китоблар”) жанри гэсаку адабиётининг энг жиддий жанрларидан саналади. Мазкур атама асосий ургу қиссанинг баёнига берилган асарларни бундай бўлмаган асарлардан<sup>20</sup> ажратиш учун қўлланилган. Бу турдаги китоблар бир қатор енгил асарлар қаторида гэсаку туркумига киритилган бўлишига қарамай, ёрқин намоён бўлган дидактизми билан енгилтабиат характердаги кибёши ва шярэбон кабилардан кескин фарқ қилган.

Ёмихон ўзида япон қаҳрамонлик эпослари, руҳлар ва бошқа гаройиботлар тўғрисидаги ҳикоялар тўпламларининг анъаналарини, шунингдек, сўзлашув тилида яратилган XIV аср хитой адабиётнинг дурдона асарлари – 「三國演義」(“Уч қироллик”), 「水滸傳」(“Дарё қўлтиғлари”) романларининг бир қатор жиҳатларини мужассамлаштирганлиги билан характерланади.

Иэрография ва китойча ўзлашма сўзлар – “канго”лардан фойдаланилган ҳолда нисбатан адабий тилда ёзилган ёмихон намуналари хитой ва япон тарихий манбалардан келтирилган парчалар билан тўлдирилган бўлиб, муаллиф ушбу парчаларнинг ҳар биридан муайян бир ўйтни олишни ва тегишли хуласа чиқаришни ўзининг бурчи деб билган. “Мутолаага мўлжалланган китоблар” жанр нуктаи назаридан қўпроқ қаҳрамонлик романлари тўғри келиб, сулоласининг шон-шуҳрати, қуч-кудратини тиклашга интилаётган ўрта аср афсонавий жангчиларининг қаҳрамонликлари ва саргузаштларининг тасвири кабилар XX асрга тегишли мазкур турдаги асарларнинг асосий мавзуси бўлиб ҳизмат қилган.

Аксарият ёмихон намуналарининг сюжет чизигига назар ташласак, ҳикоя қилинаётган воқеалар ҳарбий феодалликлар ўртасидаги тинимсиз ички урушлар палласи, яъни Муромачи даври(1338-1573)га тегишли бўлиб, муаллифлар айниқса конфуцийликдаги одоб-ахлоқ тамойилларининг амалдаги ёрқин намунаси сифатида келтириш мумкин бўлган самурайлик идеалларини мадҳ эканлигини кузатамиз.

Ёмихон муаллифлари ўзларини шунчаки ёзувчи эмас, балки конфуцийлик анъаналарига монанд ҳолда ўз ижодлари билан яхшиликни уйғотишига, ёмонликлардан огоҳ этишга бел боғлаган тарбиячи деб ҳисоблаганлар. Мазкур ҳолат ёмихон жанридаги инсон

<sup>19</sup> Ўша манба. – Б. 293.

<sup>20</sup> Бу ерда ёмихон билан бир вақтда мавжуд бўлган “эхон” (“расмли китоблар”) жанри назарда тутилмоқда. Ёмихонлардан фарқли равишда эхон жанрида асарнинг қиймати асосан ундаги бадий матн билан эмас, балки унга ишланган расмлар билан белгиланган.

образини яратиш тамойилларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. Шу боис, асарларда муаллиф учун қаҳрамонларнинг рамзий ва аҳлоқий қиммати масаласи, уларнинг муайян бир характер сифатида қай даражада ҳаётий аниқликда реал акс эттирилганлиги масаласиданда муҳим бўлган.

Ёмихон жанрида фаолият олиб борган энг истеъоддли адаб мақоми ҳақли равища «椿説弓張月» (“Камаяётган ой ҳақида ажойиб қисса”, 1806-1811) ва «南総里見八犬伝» (“Сатомилик саккиз ит қиссаси”, 1814-1841) номли романларнинг муаллифи саналган Такизава Бакин(1767-1848)га тегишли.

Гэсаку адабиётининг сўнгти жанри кибёши асарларнинг истеъмолдан чиқиши натижаси ўлароқ уларнинг ўрнида юзага келган “гокан” (“рисолаланган нашрлар”) ҳисобланади. Мазкур атаманинг юзага келиши ушбу жанрдаги китобларнинг нашр эттирилиш шакли билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, гокан намуналари ҳар бири бешта икки сахифали беш рисоладан ташкил топувчи ва бир-бири билан ўзаро боғланган бир муқовали китоб ҳолатида сотилган<sup>21</sup>. Қўринишидан кибёшига жуда ўхшаш бўлган гоканларда ҳам бадиий матннинг вертикал сатрлари одамларнинг расмларни ўраб олган ҳолда китоб варакларига ўта усталик билан киритилган. Мазкур асарларнинг катта ҳажми нафақат шақлни ўзгаришига олиб келди, балки умуман бошқа мавзулар кўламидан ташкил топган мазмунни юзага келишига сабаб бўлди. Ҳажвий кибёшидан фарқли ўлароқ, гокан асосан қонли қасос – “катақиучи” урф-одати билан боғлиқ фожиали воқеаларни ёритишга бағищланган эди. Бироқ, қонли қасос аксарият ҳолларда асосий мавзу сифатида намоён бўлсада, гокан китоблари орасида ибратли насиҳатомус, рухлар тўғрисидаги қиссаларни ёриб берувчи ва мумтоз асарларнинг кулгили адаптацияси (мумтоз асарларга ишланган пародия асарлар) сифатида яратилган намуналарини топиш мумкин

XIX асрнинг бошида китобхонлар оммасининг қонли қасос тўғрисидаги асарларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида деярли барча илфор ёзувчилар гокан жанрига мурожаат қилдилар. Санто Кёдэн қибёши асарлари 1791-йилда ҳокимият томонидан тақиқлаб қўйилганидан сўнг, 1807-йилдан ўша даврнинг уста рассомлари билан ҳамкорликда гокан намуналарини яратишга бел боғлади<sup>22</sup>. Кёдэн таҳминан тўқсонта гокан асарларини яратган бўлиб, уларниг барчаси китобхонлар орасида шуҳрат қозонган. Кёдэндан ташқари, унинг укаси Санто Кёзан ва Такизава Бакин ҳам гокан жанридаги бир қатор мукаммал асарларнинг муаллифларидир. Бироқ, гоканнинг юксак намунаси шубҳасиз «修紫田舎源氏» (“Соҳта Мурасаки ва қишлоқи Гэнжи”, 1842) романи бўлиб, унинг муаллифи – Рютэи Танэхико (1783-1842) мазкур жанрнинг энг етук ва машҳур намояндаси саналади.

Гувоҳи бўлганимиздек, XVIII аср иккинчи ярми ва XIX аср ўрталарида япон насрий адабиёти ўзининг халқчиллиги ва жанрларнинг ранг-бараманглиги билан ҳарактерланади. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, гэсаку адабиёти япон шаҳарларида истиқомат қилган учинчи қатлам вакиллари томонидан яратилиб, ушбу қатламнинг диди, қизиқишилари, ташвишлари, диний, мафкуравий дунёқараши, ҳаётий қадриятларини ўзида тўлақонли мужассамлаштириди ва халқ оммасида кенг тарқалди. Жонли халқ тилида битилган ушбу шаҳар насрий адабиёти ўша давр шаҳарликлар майший ҳаётининг турли манзараларини кулгили оҳангларда бадиий акс эттирган кўзгуга айланди. Ўтмиш адабиётга мурожаат қилиш анъясининг сақланиб қолганлиги, ушбу адабиётнинг мумтоз ва янги давр япон адабиёти ўртасида мавжуд бўлган муҳим бўғин сифатидаги ўрнини таъминлаб берган эди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ (REFERENCES)

<sup>21</sup> Ўша манба. – Б. 302.

<sup>22</sup> Ўша манба. – Б. 303.

1. Saidova, N. M. (2021). Features of the Development of the Saudi Realistic Story in the Second Half of the Twentieth Century. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 8(4), 360-370.
2. Кин Д. Японская литература XVII – XIX столетий. М.: Наука, 1978. – 441 с.
3. Кирквуд К. П. Ренессанс в Японии. – М., Наука, 1988. – 303 с.
4. Мухиддинова, Диляфруз Зохриддиновна ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИДА ЯНГИЛАНИШЛАР ТАМОЙИЛИ (япон, араб, ўзбек адабиёти мисолида) // ORIENSS. 2022. №Special Issue 22. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zamonaviy-shar-hallari-adabiyotida-yangilanishlar-tamoyili-yapon-arab-zbek-adabiyoti-misolida> (дата обращения: 21.02.2023).
5. Рехо К. Проза: [Японская литература: История всемирной литературы. Т. 5. Раздел десятый. Глава первая] // История всемирной литературы: В 8 томах / АН СССР; Ин-т мировой лит. им. А. М. Горького. — М.: Наука, 1983—1994. — На титл. л. изд.: История всемирной литературы: в 9 т. Т. 5. — 1988.
6. 中村幸彦 (1982)「中村幸彦著述集〈第 5 卷〉近世小説様式史考」中央公論者. – 486 p.
7. 中村幸彦 (1987)「中村幸彦著述集〈第 4 卷〉近世小説史」中央公論者. – 553 p.
8. 秋山虔・三好行雄 (1983)「日本文学史」文英堂. – 232 p.
9. Ахмедова, Шахло Иргашбаевна. ЯПОН ВА ҚУВАЙТ АДИБАЛАРИ ХИКОЯЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ // ORIENSS. 2022. №Special Issue 22. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/yapon-va-uvayt-adibalari-hikoyalarida-ayol-obrazi>.
10. Ahmedova, Shahlo Irgashbaevna BAHRAYN YOZUVCHILARI FAVZIYA RASHID VA AMIN SOLIH HIKOYALARI USLUBI // ORIENSS. 2021. №Special Issue 2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/bahrayn-yozuvchilari-favziya-rashid-va-amin-solih-hikoyalari-uslubi>.
11. Akhmedova, Shakhlo Irgashbaevna THE ISSUE OF WOMEN'S PLACE IN THE FAMILY AND SOCIETY IN THE CREATION OF GULF ARAB COUNTRIES' LITERATURE // ORIENSS. 2022. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/the-issue-of-womens-place-in-the-family-and-society-in-the-creation-of-gulf-arab-countries-literature>.
12. Ахмедова, Ш. (2021). Новые художественно-методологические принципы сторителлинга в ОАЭ. *Востоковедения*, 1(1), 4–13. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15813>